


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2023

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



В Е С Т Н И К
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН
50-летию образования Ташкентского
областного филиала Республиканского
научно-практического центра
судебно-медицинской экспертизы

11 сентября 2023



Выпуск набран и сверстан на компьютерном
издательском комплексе
редакционно-издательского отдела
Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском
управлении печати и информации
Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом №
201/3 от 30 декабря 2013года
реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии
с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,
Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе
редакционно-издательского отдела ТМА.
100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА, 2023

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

Ответственный за выпуск

к.м.н. Шодиев Г.Б.

доцент И.И. Бахриев

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

Члены редакционноого совета

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Исраилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабилов У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

Herald TMA, 2023

EDITORIAL BOARD

Editor in chief

prof. A.K. Shadmanov

Deputy Chief Editor

prof. O.R.Teshaev

Responsible secretary

prof. F.Kh.Inoyatova

**Responsible for
edition**

G.B. Shodiyev

I.I. Bakhriev

EDITORIAL

TEAM

academician Alyavi A.L.

prof. Bilalov E.N.

prof. Gadaev A.G.

academician Karimov Sh.I.

prof. Komilov Kh. P.

academician Kurbanov R.D.

prof. Mavlyanov I.R.

academician NazYROV F.G.

prof. Najmutdinova D.K.

prof. Salomova F.I.

academician Soatov T.C.

prof. Khodjibekov M.X.

prof. Shaykhova G.I.

prof. Jae Wook Choi

EDITORIAL COUNCIL

DSc. Abdullaeva R.M.

prof. Akilov F.O. (Tashkent)

prof. Allaeva M.D. (Tashkent)

prof. Akhmedov R.M. (Bukhara)

prof. Giyasov Z.A. (Tashkent)

prof. Iriskulov B.U. (Tashkent)

prof. Karimov M.Sh. (Tashkent)

prof. Kayumov U.K. (Tashkent)

prof. Israilov R.I. (Tashkent)

prof. Okhunov A.A. (Tashkent)

prof. Parpieva N.N. (Tashkent)

prof. Rakhimbaeva G.S. (Tashkent)

prof. Rizamukhamedova M.Z. (Tashkent)

prof. Sabirov U.Y. (Tashkent)

prof. Sabirova R.A. (Tashkent)

prof. Khalikov P.Kh. (Tashkent)

prof. Khamraev A.A. (Tashkent)

prof. Kholmatova B.T. (Tashkent)

prof. Shagzatova B.X. (Tashkent)

Journal edited and printed in the computer of Tashkent
Medical Academy editorial department

Editorial board of Tashkent Medical Academy

Head of the department: M.N. Aslonov

Russian language editor: O.A. Kozlova

Uzbek language editor: M.G. Fayzieva

English language editor: A.X. Juraev

Corrector: Z.T. Alyusheva

Organizer: Tashkent Medical Academy

Publication registered in editorial and information
department of Tashkent city

Registered certificate 02-00128

Journal approved and numbered under the order 201/3 from 30
of December 2013 in Medical Sciences department of SUPREME

ATTESTATION COMMISSION

COMPLETED MANUSCRIPTS PLEASE SEND following address:

2-Farobiy street, 4 floor room 444. Administration building of TMA.
Tashkent. 100109, Toshkent, ul. Farobi, 2, TMA bosh o'quv binosi,
4-qavat, 444-xona.

Contact number: 71-214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru, rio@tma.uz

Format 60x84 1/8. Usl. printer. I. 9.75.

Listening means «Cambria».

Circulation 150.

Negotiable price

Printed in TMA editorial and publisher department
risograph

2 Farobiy street, Tashkent, 100109.

СОДЕРЖАНИЕ

Шодиев Ғ.Б. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ХИЗМАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ	9
---	---

ОБЗОРЫ

Шодиев Ғ.Б., Чориев Б.А., Бахриев И.И., Турсунов Х.З. ВИРТОПСИЯ ТАДҚИҚОТИ ВА УНИНГ СУД-ТИББИЁТИ АМАЛИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ	17
Эльмуратов З.Э. ЎҚ ОТАР ЖАРОҲАТЛАРДАН ЮЗ БЕРГАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИДА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	23
Саитова Н.С., Бахтиёрова С.Б. КРИМИНАЛИСТИК ЛАБОРАТОРИЯЛАР: КЕЧА ВА БУГУН	26

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ МЕДИЦИНА

Бижанов Р.О., Примухамедова Х.И. ОПРЕДЕЛЕНИЕ ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ БЕНЗОИЛЭКГОНИНА В СТАНДАРТНЫХ ОБРАЗЦАХ МЕТОДОМ СПЕКТРОФОТОМЕТРИИ	29
Мардонов Т. М. ОСОБЕННОСТИ ПОВРЕЖДЕНИЙ, ПРИЧИНЁННЫХ НОЖОМ С ВОЛНИСТОЙ ПЛОСКОСТЬЮ КЛИНКА	32
Рустамова Г.М., Примухамедова Х.И. СПЕКТРОФОТОМЕТРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МЕФЕДРОНА В ХИМИКО-ТОКСИКОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ	36
Шодиев Г.Б., Камалов Ш.Ш., Хайдаров М.А. СУД-ТИББИЙ ГИСТОЛОГИЯ АМАЛИЁТИДА СУЯК ТЎҚИМАСИ ДЕКАЛЬЦИНАЦИЯСИ УСУЛИНИНГ АҲАМИЯТИ	40
Шодиев Г.Б., Бердиярова Ш.Н., Нурматова М.И., Турсунова Б.Х. СУД-КИМЁ АМАЛИЁТИДА СНЮСДАН ЎТКИР ЗАҲАРЛАНИШ	43

КЛИНИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА

Абдуназаров М.Х., Примухамедова Х.И. ЭГГОНИННИ СУД-КИМЁ ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЮПҚА ҚАТЛАМ ХРОМАТОГРАФИЯ ВА СПЕКТРОФОТОМЕТРИЯ УСУЛЛАРИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ	45
Ахмедов Б.Б., Саитова Н.С. ПОЛИМОРФИЗМ СИСТЕМЫ ЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЛЕЙКОЦИТАРНЫХ АНТИГЕНОВ II КЛАССА УЗБЕКСКОЙ ПОПУЛЯЦИИ	48
Ахмедова Д.Ш., Тошева Д.М. МЕТОДЫ ЭКСТРАКЦИИ ДНК ПРИМЕНЯЕМЫЕ ДЛЯ ПРОВЕДЕНИЯ СУДЕБНО МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИХ ЭКСПЕРТНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ В РЦСЭ им. Х.СУЛАЙМАНОВОЙ	50
Бердиярова Ш.Н., Шодиев Ғ.Б., Эшназарова М.С., Турсунова Б.Х., Абдуназаров М.Х. ДОК-1 МАКС СИРОПИ БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ, УНИНГ ТАРКИБИДАГИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛИ	53
Бердиярова Ш.Н., Шодиев Ғ.Б., Мирахмедов Ш.М., Нормуродова М.С. ИНСЕКТИЦИД “МАРШАЛ” ВА УНДАН ЗАҲАРЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ, БИОЛОГИК ОБЪЕКТДАН АЖРАТИБ ОЛИШ ВА УНИНГ ТЕКШИРИШ УСЛУБИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ	57
Бижанов Р.О., Бердиярова Ш.Н., Эшназарова М.С., Яхяева О.Э. ИССЛЕДОВАНИЕ МОЮЩЕГО СРЕДСТВА «МОЙ КАЗАН» ИЗ БИОЛОГИЧЕСКОГО ОБЪЕКТА	59

Бобоназаров С.С., Лочинов Ф.Н. МИОКАРД ИНФАРКТИ: СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	61
Ботиров Т.К. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРАВМАТИЗМИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ	65
Дилов Э.Ш., Примухамедова Х.И., Арсланова А.Н. АМФЕТАМИН ҲОСИЛАЛАРИ -ЭФЕДРИН, МЕТАМФЕТАМИН, ПЕРВИТИН, ПСЕВДОЭФЕДРИННИНГ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИР МЕХАНИЗМИНИ ЎРГАНИШ	68
Ибрагимов И.С., Ботиров А.Б. ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИКЛАРИДАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ	70
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ДИАГНОСТИКА ПОСМЕРТНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ ПРИ УСТАНОВЛЕНИЕ СРОКИ НАСТУПЛЕНИЕ СМЕРТИ В УСЛОВИЯХ ЖАРКОЙ АРИДНОЙ ЗОНЫ	72
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ И ДИНАМИКИ ТРУПНЫХ ЯВЛЕНИЙ В РАЗНЫХ ТЕМПЕРАТУРНЫХ УСЛОВИЯХ СУХОЙ АРИДНОЙ ЗОНЫ, ПОСЛЕ МАССИВНОЙ КРОВОПОТЕРИ И ПОВЕШЕНИЕ	79
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. МАССИВ ҚОН ЙЎҚОТИШ ҲОЛАТИ ПОСТМОРТАЛ ДАВРИНИНГ ТУРЛИ МУДДАТЛАРИДА БОШ МИЯ ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ АУТОЛИЗ ЖАРАЁНИ ДИНАМИКАСИНИНГ ИССИҚ АРИД ЗОНАДА ЎЛИМ СОДИР ЭТИЛГАН ВАҚТНИ АНИҚЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ	87
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ИССИҚ АРИД ЗОНАТ ШАРОИТИДА СТРАНГУЛЯЦИОН МЕХАНИК АСФИКСИЯ ҲОЛАТИДАН ЎЛИМНИНГ ТУРЛИ МУДДАТЛАРИДА ЖИГАР ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ АУТОЛИТИК ЖАРЁН ДИНАМИКАСИНИНГ ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ	91
Индиаминов С.И., Жўраев И.Ф. ЙИРИК БЎҒИМЛАР БОҒЛАМАЛАРИ ЧЎЗИЛИШИ ВА УЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД ТИББИЙ ТАВСИФИ	95
Индиаминов С.И., Жўраев И.Ф. БЎҒИМ ИЧИ СИНИШЛАРИНИНГ СУД ТИББИЙ ЖИҲАТЛАРИ	98
Индиаминов С.И., Жураев И.Г. СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ АСПЕКТЫ ОКОЛОСУСТАВНЫХ ПЕРЕЛОМОВ	102
Индиаминов С.И., Шопулатов И.Б. СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СТЕПЕНИ ТЯЖЕСТИ И МЕХАНИЗМ ФОРМИРОВАНИЯ ПЕРЕЛОМОВ КОСТЕЙ ЗАПЯСТЬЯ	106
Исомидинов Р.Р., Искандаров М.И. ОСИЛИШ ҲОЛАТЛАРИДА ТИЛ ОСТИ СУЯГИ ВА ҚАЛҚОНСИМОН ТОҒАЙ ЖАРОҲАТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	110
Лочинов Ф.Н., Ташпулатов Ф.Х. ТУРЛИ ЗАҲАРЛАНИШЛАРДАН ЮЗ БЕРГАН ЎЛИМНИНГ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ	112
Лочинов Ф.Н., Мирзахмедов Ж.М. ТАН ЖАРОҲАТИНИ ОҒИРЛИК ДАРАЖАСИ АНИҚЛАНМАГАН ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	115
Машарипов А.С., Бабажанова Н.Ш., Хударгенова Д.Р. СУД-ТИББИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА СПЕРМА ДОҒЛАРИ МАВЖУДЛИГИНИ АНИҚЛАШДА ҚАТТИҚ ФАЗАЛИ ИММУНОФЕРМЕНТ АНАЛИЗ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ	118
Мирахмедов Ш.М. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ НАТИЖАСИДА БОЛАЛАР ЎЛИМИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	121
Норов А.Т. МЕХАНИК АСФИКСИЯДАН ЮЗ БЕРГАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	125
Пулатов М.М. ПОСТАСФИКТИК ҲОЛАТЛАР ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	129

МИОКАРД ИНФАРКТИ: СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Бобоназаров С.С., Лочинов Ф.Н.

*Республика Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиали. Тошкент, Ўзбекистон**ТТА “Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси. Тошкент, Ўзбекистон*

Аннотация. Ушбу мақолада Тошкент вилояти аҳолиси орасида миокард инфарктдан ўлим ҳолатларининг суд-тиббий жиҳатдан ўрганиш ва статистик таҳлили берилган. Тадқиқот жараёнида йиллар давомида миокард инфарктдан ўлим сони камайиб борганлиги, кўпчилик ҳолатларда ўлим уйда юз берганлиги, аёлларга нисбатан эркакларда ҳамда 40-50 ва 50-60 ёш оралиғидагиларда ўлим ҳолати кўп қайд этилганлиги аниқланди. Шунингдек, куз ва қиш фаслларида ўлим кўрсаткичи ўсиб борганлиги, хафта ни душанба ва сешанба кунларида ҳамда суткани кундузи қисмида ўлим ҳолатлари нисбатан кўп қайд этилганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: юрак ишемик касаллиги, атеросклероз, миокард инфаркти, суд-тиббий экспертиза, профилактика чоралари.

Мавзунинг долзарблиги. Миокард инфаркти юрак мушакларининг чегараланган некрози бўлиб, унинг қон билан таъминланиши ва талаби ўртасидаги мувозанатнинг ўткир бузилиши натижасида юзага келади. Миокард инфаркти асосида тож артерияларининг атеросклерози (аксарият ҳолларда), спазми ва атеросклеротик пиллакчаларга қон қуйилиши ётади. Унинг асосий сабаби 95% ҳолларда атеросклероз ҳисобланади. Қолган 5% да эса тож томирлар эмболияси (инфекцион эндокардит, қоринча ичи тромби) ва туғма ҳамда орттирилган бошқа турдаги зарарланишлар (тизимли қизил волчанка, склеродермия, ревматизм ва ревматоид артритдаги коронаритлар) ётади ва бунда миокард инфаркти юрак ишемик касаллигининг алоҳида клиник шакли эмас, балки унинг асорати сифатида қаралади. Барча мамлакатларда миокард инфаркти ўлимга ва ногиронликка олиб келувчи асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Сўнги йилларда ёш ва ўрта ёшдаги аҳоли орасида миокард инфаркти билан оғриганлар сони ортиб бормоқда. Шифохонада миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари камайган бўлса ҳам ушбу касалликдан умумий ўлимлар сони 30-50% ни ташкил этади ва бу кўп ҳолларда касалхонагача бўлган даврга тўғри келади.

Тадқиқотнинг мақсади. Тошкент вилояти аҳолиси орасида миокард инфаркти билан боғлиқ ўлим ҳолатларини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш ҳамда миокард инфарктини олини олишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Текширув натижаси ва муҳокамаси. Тошкент вилояти аҳолиси орасида миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари кўрсаткичлари таҳлил қилиш учун Республика судтиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг жойлардаги бўлимларида 2017-2021 йилларда миокард инфаркти натижасида юз берган ўлим ҳолатлари бўйича тузилган эксперт хулосалари ўрганилди.

2017 йилда жами 2966 та мурдага оид суд-тиббий экспертизаси ўтказилган. Улардан 607 та ҳолатда ўлим турли касалликлар натижасида юз берганлиги ва 44 та ҳолатда ўлим сабаби миокард ин-

фаркти эканлиги аниқланган. Ушбу ташхис суд-гистологик текширувида ўз тасдиғини топган. Воқеа тафсилоти ўрганилганда: 20 та (45,4%) ҳолатда ўлим кўчада, 16 та (36,3%) ҳолатда ўлим уйда ва 8 та (18,1%) ҳолатда ўлим шифохонада юз берганлиги қайд этилган. Улардан эркаклар-39 та (88,6%), аёллар-5 та (11,4%) ташкил этган. Ёши бўйича таҳлил қилинганда: 18-30 ёшдагилар 1 та (2,2%), 30-40 ёшдагилар 5 та (11,3%), 40-50 ёшдагилар 10 та (22,7%), 50-60 ёшдагилар 15 та (34,0%), 60 ёшдан юқорилар 13 та (29,5%) ни ташкил этган. Жумладан, 1 ҳолатда 23 ёшли йигитнинг ўлими миокард инфарктдан юз берганлиги аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда: қишда 15 та (34,0%), баҳорда 10 та (22,7%), ёзда 7 та (15,9%), кузда 12 та (27,2%) миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 5 та (11,3%), сешанба 9 та (20,4%), чоршанба 6 та (13,6%), пайшанба 7 та (15,9%), жума 8 та (18,1%), шанба 6 та (13,6%), якшанба 3 та (6,8%) миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 20 таси (45,4%) кундузи (06:00-18:00), 24 таси (54,6%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган. Жами 5 та (11,3%) алкогольдан мастлик ҳолати аниқланган бўлиб, улардан алкогольдан енгил даражали мастлик ҳолати 3 та (6,8%), алкогольдан ўрта даражали мастлик ҳолати 1 та (2,2%) ва алкогольдан оғир даражали мастлик ҳолати 1 та (2,2%) ташкил этган.

2018 йилда жами 2887 та мурдага оид суд-тиббий экспертизаси ўтказилган. Улардан 625 та ҳолатда ўлим турли касалликлар натижасида юз берганлиги ва 57 та ҳолатда ўлим сабаби миокард инфаркти эканлиги аниқланган. Ушбу ташхис суд-гистологик текширувида ўз тасдиғини топган. Воқеа тафсилоти ўрганилганда: 19 та (33,3%) ҳолатда ўлим кўчада, 33 та (57,8%) ҳолатда ўлим уйда ва 5 та (8,7%) ҳолатда ўлим шифохонада юз берганлиги қайд этилган. Улардан эркаклар- 53 та (93,0%), аёллар- 4 та (7,0%) ташкил этган. Ёши бўйича таҳлил қилинганда: 18-30 ёшдагилар 2 та (3,5%), 30-40 ёшдагилар 7 та (12,2%), 40-50 ёшдагилар 11 та

(19,2%), 50-60 ёшдагилар 17 та (29,8%), 60 ёшдан юқорилар 20 та (35,0%)ни ташкил этган. Жумладан, 2 ҳолатда 23 ва 25 ёшли йигитнинг ўлими миокард инфарктдан юз берганлиги аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда: қишда 15 та (26,3%), баҳорда 12 та (21,0%), ёзда 18 та (31,5%), кузда 12 та (21,0%) миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича – душанбада 8 та (14,0%), сешанба 8 та (14,0%), чоршанба 6 та (10,5%), пайшанба 12 та (21,0%), жума 8 та (14,0%), шанба 7 та (12,2%), якшанба 8 та (14,0%) миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 34 таси (59,6%) кундузи (06:00-18:00), 23 таси (40,4%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган. Жами 9 та (15,7%) алкогольдан мастлик ҳолати аниқланган бўлиб, улардан алкогольдан енгил даражали мастлик ҳолати 3 та (5,2%) ва алкогольдан ўрта даражали мастлик ҳолати 6 та (10,5%) ташкил этган.

2019 йилда жами 2671 та мурдага оид суд-тиббий экспертизаси ўтказилган. Улардан 556 та ҳолатда ўлим турли касалликлар натижасида юз берганлиги ва 57 та ҳолатда ўлим сабаби миокард инфаркти эканлиги аниқланган. Ушбу ташхис суд-гистологик текширувида ўз тасдиғини топган. Воқеа тафсилоти ўрганилганда: 14 та (24,5%) ҳолатда ўлим кўчада, 38 та (66,6%) ҳолатда ўлим уйида ва 5 та (8,7%) ҳолатда ўлим шифохонада юз берганлиги қайд этилган. Улардан эркаклар- 49 та (86,0%), аёллар-8 та (14,0%) ташкил этган. Ёши бўйича таҳлил қилинганда: 18-30 ёшдагилар 2 та (3,5%), 30-40 ёшдагилар 7 та (12,2%), 40-50 ёшдагилар 13 та (22,8%), 50-60 ёшдагилар 18 та (31,5%), 60 ёшдан юқорилар 17 та (29,8%)ни ташкил этган. Жумладан, 23 ёшли йигитнинг ўлими миокард инфарктдан юз берганлиги аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда: қишда 19 та (33,3%), баҳорда 18 та (31,5%), ёзда 10 та (17,5%), кузда 10 та (17,5%) миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича – душанбада 8 та (14,0%), сешанбада 9 та (15,7%), чоршанбада 8 та (14,0%), пайшанбада 6 та (10,5%), жума 10 та (17,5%), шанба 8 та (14,0%), якшанба 8 та (14,0%) миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 25 таси (43,8%) кундузи (06:00-18:00), 32 таси (56,2%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган. Жами 22 та (38,5%) алкогольдан мастлик ҳолати аниқланган бўлиб, улардан алкогольдан енгил даражали мастлик ҳолати 13 та (22,8%), алкогольдан ўрта даражали мастлик ҳолати 1 та (1,7%) ва 8 та (14,0%) ҳолатда алкогольдан оғир даражали мастлик ҳолати ташкил этган.

2020 йилда жами 2772 та мурдага оид суд-тиббий экспертизаси ўтказилган. Улардан 412 та ҳолатда ўлим турли касалликлар натижасида юз берганлиги ва 38 та ҳолатда ўлим сабаби миокард инфаркти эканлиги аниқланган. Ушбу ташхис суд-гистологик текширувида ўз тасдиғини топган. Воқеа тафсилоти ўрганилганда: 7 та (18,4%) ҳолатда

ўлим кўчада, 26 та (68,4%) ҳолатда ўлим уйида ва 5 та (13,1%) ҳолатда ўлим шифохонада юз берганлиги қайд этилган. Улардан эркаклар- 33 та (86,8%), аёллар- 5 та (13,2%) ташкил этган. Ёши бўйича таҳлил қилинганда: 18-30 ёшдагилар 0 та (0%), 30-40 ёшдагилар 4 та (10,5%), 40-50 ёшдагилар 12 та (31,5%), 50-60 ёшдагилар 12 та (31,5%), 60 ёшдан юқорилар 10 та (26,3%)ни ташкил этган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда: қишда 14 та (36,8%), баҳорда 10 та (26,3%), ёзда 8 та (21,1%), кузда 6 та (15,8%) миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 9 та (23,6%), сешанба 6 та (15,8%), чоршанба 6 та (15,8%), пайшанба 4 та (10,5%), жума 2 та (5,3%), шанба 8 та (21,1%), якшанба 3 та (7,9%) миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 21 таси (55,3%) кундузи (06:00-18:00), 17 таси (44,7%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган. Жами 3 та (7,8%) алкогольдан мастлик ҳолати аниқланган бўлиб, улардан алкогольдан енгил даражали мастлик ҳолати 2 та (5,2%) ва алкогольдан ўрта даражали мастлик ҳолати 1 та (2,6%) ташкил этган.


2021 йилда жами 2857 та мурдага оид суд-тиббий экспертизаси ўтказилган. Улардан 421 та ҳолатда ўлим турли касалликлар натижасида юз берганлиги ва 42 та ҳолатда ўлим сабаби миокард инфаркти эканлиги аниқланган. Ушбу ташхис суд-гистологик текширувида ўз тасдиғини топган. Воқеа тафсилоти ўрганилганда: 10 та (23,8%) ҳолатда ўлим кўчада, 23 та (54,7%) ҳолатда ўлим уйида ва 9 та (21,4%) ҳолатда ўлим шифохонада юз берганлиги қайд этилган. Улардан эркаклар- 36 та (85,7%), аёллар-6 та (14,3%) ташкил этган. Ёши бўйича таҳлил қилинганда: 18-30 ёшдагилар 3 та (7,1%), 30-40 ёшдагилар 1 та (2,3%), 40-50 ёшдагилар 7 та (16,6%), 50-60 ёшдагилар 16 та (38,0%), 60 ёшдан юқорилар 15 та (35,7%)ни ташкил этган. Жумладан, 23 ёшли йигитнинг ўлими миокард инфарктдан юз берганлиги аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда: қишда 12 та (28,5%), баҳорда 11 та (26,1%), ёзда 5 та (11,9%), кузда 14 та (33,3%) миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 13 та (30,9%), сешанба 6 та (14,2%), чоршанба 5 та (11,9%), пайшанба 4 та (9,5%), жума 3 та (7,1%), шанба 6 та (14,2%), якшанба 5 та (11,9%) миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 23 таси (54,8%) кундузи (06:00-18:00), 19 таси (45,2%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган. Жами 5 та (11,9%) алкогольдан мастлик ҳолати аниқланган бўлиб, улардан алкогольдан енгил даражали мастлик ҳолати 4 та (9,5%) ва алкогольдан ўрта даражали мастлик ҳолати 1 та (2,3%) ташкил этган.

Тошкент вилояти аҳолиси орасида 2017-2021 йиллар давомида миокард инфарктдан ўлим ҳолатлари таҳлиliga кўра, йиллар давомида мурдага оид ўтказилган жами экспертизаларга нисбатан


турли хил касалликлардан, жумладан миокард инфарктдан ўлим сони камайиб борганлиги аниқланди. Шунингдек, кўпчилик ҳолатларда ўлим уйда юз берганлиги, аёлларга нисбатан эркакларда ҳамда 40-50 ва 50-60 ёш оралиғидагиларда ўлим ҳолати кўп қайд этилганлиги, куз ва қиш фаслларида ўлим кўрсаткичи ўсиб борганлиги, haftани душанба ва сешанба кунларида ҳамда суткани кундузи қисмида ўлим нисбатан кўп юз


берганлиги, алкогольдан мастлик ҳолатида миокард инфарктдан қайд этилган ўлим сони йиллар давомида камайиб борганлиги аниқланди.

Куйида диаграммаларда турли касалликлар орасида миокард инфаркти натижасида юз берган ўлим кўрсаткичи ҳамда ушбу касалликда ўлим қайси бир ёш оралиғида ва йилнинг қайси фаслида кўп қайд этилганлиги кўрсатилган:



Клиническая медицина





Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб, 30 ёшга етмаган эркакларда ҳам ўлим миокард инфарктидан юз бераётганлиги замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Ушбу ҳолатни олдини олиш мақсадида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш чора-тадбирларини ва аҳоли билан мунтазам тарзда тушунтириш ишларини олиб бориш зарур бўлади. Шунингдек, миокард инфарктини келтириб чиқарувчи омилларни эрта аниқлаш мақсадида аҳолини 25-30 ёшдан юқори бўлган аҳоли қатламини қамраб олган режали тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар.

1. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа // Учебное пособие. Ташкент, 2023.
2. Кузьмичев Д.Е., Вильцев И.М., Скребов Р.Р., Чирков С.В. Инфаркт миокарда в клинике // Проблемы экспертизы в медицине. Научный практический журнал. Ижевск, 2015. –С49-51.
3. Кузьмичев Д.Е., Раннев А.Ю, Вильцев И.М., Ретивых О.Ю. Экспертное наблюдение клинически не

распознонного рецидивирующего инфаркта миокарда на амбулаторном этапе // Вестник судебной медицины. Научный практический журнал. Новосибирск, 2013. –Т.2. -№2. –С52-55.

4. Искандаров А.И., Қўлдошев Д.Р. Суд тиббиёти // Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, "MERIYUS" нашрети, 2009.

5. Lochinov F.N., Bahriyev I.I. Biologik tabiatga ega bo'lgan ashyoviy dalillarning sud-tibbiy ekspertizasi // Mo'inografiya, 2022, 105 b.

6. Судебная медицина: национальное руководство /под ред. Ю.И.Пиголкина. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018.

7. Струков А.И., Серов В.В. Патологическая анатомия. –М, 1995. С.286-290.

8. Гиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, "Global Books" нашриёти, 2018.

8. Якушин С.С., Инфаркт миокарда. Руководство. –М, 2010. -С 13-116.

9. Янковская Л.В. Острый инфаркт миокарда в молодом возрасте //Журнал Гродненского государственного медицинского института. №1. 2009. – С 134-137.



ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРАВМАТИЗМИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ

Ботиров Т.К.

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиали. Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада Тошкент вилоятининг sanoati ривожланган ҳудудлари аҳолиси орасида охириги 5 йил давомида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг таҳлил натижалари берилган. Унга кўра, ўлим ҳолати аёлларга нисбатан эркакларда кўп эканлиги, 18-30 ва 30-40 ёш оралиғида бўлган шахсларда ўлим кўрсаткичи нисбатан юқорилиги, қиш ва ёз фаслларида, ҳафтани чоршанба ва жума кунларида ҳамда суткани кундузги қисмида ўлим ҳолатлари кўп қайд этилганлиги аниқланди. Шунингдек, ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ нохуш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, ушбу ҳолатларни вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: суд-тиббий травматология, ишлаб чиқариш травматизми, суд-тиббий экспертиза, профилактика чоралари.


Мавзуни долзарблиги. Бир хил меҳнат ва турмуш шароитида бўлган шахсларнинг гуруҳида кузатиладиган турдош жароҳатларнинг мажмуи травматизм деб номланади. Травматизмнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, улар асосан шахсларнинг фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқлиги сабабли қуйидагиларга бўлинади: ишлаб чиқариш, транспорт, ҳарбий, кўча, спорт, мактаб ва маиший травматизм. Ишлаб чиқариш травматизми ўз навбатида sanoat, қишлоқ хўжалиги, қурилиш травматизмига бўлинади. Транспорт травматизмида автомобиль, мотоцикл, велосипед, темир йўл, ҳаво транспорти, сув транспорти травматизми фарқланади. Ҳарбий травматизм уруш ва тинчлик даври травматизми кўринишларида бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган ҳолатларнинг аксариятида шикастланишлар белгиланган қоида, тартиб ва талабларига риоя қилмаслик натижасида вужудга келади. Шулар жумласига спиртли ичимлик, наркотиклар ва бошқа гангитувчи моддаларни истеъмол қилиш ҳам киради. Статистик маълумотларга кўра, жаҳоннинг барча мамлакатларида сўнгги даврда ишлаб чиқариш билан боғлиқ шикастланишларнинг кўпайиши ва уларнинг таркибида мураккаб жароҳатларнинг етказилиши билан боғлиқ ҳолатлар улушининг ортаётгани кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ахборот хизмати маълумотига кўра, 2022 йилнинг уч ойи (январ-март) давомида ишлаб чиқаришда 132 та бахтсиз ҳодиса юз берган. Юз берган бахтсиз ҳодисалар натижасида 42 нафар ходим ҳалок бўлган, 104 нафар ходим оғир тан жароҳати ва 4 нафари энгил тан жароҳати олган. Бундан олдин Ўзбекистонда 2021 йилда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида 907 киши жароҳатланганлиги, улардан 238 нафари ҳалок бўлганлиги, 632 нафари оғир ва 37 нафари энгил турдаги тан жароҳатлари олганлиги маълум қилинганди.

Ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ жараёнларнинг ўрганишлар натижаларига кўра, корхоналарда жароҳатларнинг юзага келиш частотаси пирамидани эслатувчи қонуниятга бўйсунди ва унинг негизида ишлаб чиқаришда юзага келадиган хавф омиллари турса, кейинчалик травмалар ва бошқалар туради. Шикастланишнинг олдини олиш ушбу пирамиданинг базавий даражадаги меҳнат билан, яъни ноксосферани меъёрлаштириш билан боғлиқ. Бу биринчи навбатда, психологик, яъни инсон омилига таянади. Ушбу қониданинг равшанлигига қарамай, амалда тўлиқ ва мутлақо ишончли маълумотлар бўлмаганлиги сабабли уни амалга оширишда маълум қийинчиликларга дуч келинади.

Тадқиқотнинг мақсади. Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича Тошкент вилоятининг sanoati ривожланган ҳудудлари аҳолиси орасида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш ҳамда травматизмнинг турли кўринишларида шикастланишларнинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш, уларни бартараф қилиш ва бу турдаги нохуш ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Текширув натижалари ва муҳокамаси. Тошкент вилоятининг sanoati ривожланган ҳудудлари (Ангрен, Бекобод ва Олмалиқ шаҳарлари) аҳолиси орасида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларини ўрганиш мақсадида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг ушбу ҳудудларида жойлашган суд-тиббий экспертиза бўлимларида 2017-2021 йилларда ўтказилган эксперт хулосалари ўрганилди ва статистик кўрсаткичлар таҳлил қилинди.



Юқоридаги диаграммада кўрсатилганидек, ушбу йиллар давомида жами 3596 та мурдага оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами ўтказилган экспертизалар орасида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ 66 та (1,8%) ўлим ҳолатлари аниқланган. Жумладан, Ангрен шаҳрида 23 та, Бекобод шаҳрида 24 ва Олмалиқ шаҳрида 19 та ҳолат қайд этилган. Аниқланган 66 та ҳолатнинг 62 тасини (93,9%) саноат травматизми, 4 тасини (6,1%) қурилиш травматизми ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатлари қайд этилмаган.

Ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ жами ўлим ҳолатларининг 61 таси (92,4%) эркаларда ва 5 таси (7,6%) аёлларда қайд этилган. Ёши бўйича таҳлил қилганда - 18-30 ёшгача 23 та (34,8%), 30-40 ёшгача 19 та (28,8%), 40-50 ёшгача 13 та (19,7%), 50-60 ёшгача 11 та (16,7%) ҳолат аниқланган. 60 ёшдан юқориларда ўлим билан яқунланган ишлаб чиқариш травматизми кузатилмаган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишда 17 та (25,8%), баҳорда 15 та (22,7%), ёзда 23 та (34,8%) ва кузда 11 та (16,7%) ўлим ҳолатлари кузатилган. Хафта кунлари бўйича - душанба 9 та (13,6%), сешанба 9 та (13,6%), чоршанба 11 та (16,7%), пайшанба 9 та (13,6%), жума 14 та (21,2%), шанба 10 та (15,2%) ва якшанба 4 та (6,1%) ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 56 таси (84,8%) кундузи (эрталаб соат

06:00 дан, кеч соат 18:00 гача), 10 таси (15,2%) тунги (кеч соат 18:00 дан, эрталаб соат 06:00 гача) вақтга тўғри келган. Алкоголдан мастлик ҳолатларида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатлари аниқланмаган.

Тошкент вилоятининг саноати ривожланган ҳудудлари аҳолиси орасида 2017-2021 йилларда ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатларини таҳлиliga кўра, эркаларда ўлим ҳолати аёлларга нисбатан кўп (92,4%) эканлиги, 18-30 ёш оралиғида (34,8%) ва 30-40 ёшгача (28,8%) бўлган шахсларда ўлим кўрсаткичи бошқаларга нисбатан юқорилиги, қиш (25,8%) ва ёз (34,8%) фаслларида, хафтани чоршанба (16,7%) ва жума (21,2%) кунларида ҳамда суткани кундузги қисмида (84,8%) ўлим ҳолатлари кўп қайд этилганлиги ва алкогольдан мастлик ҳолатларида ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ ўлим ҳолатлари кузатилмаганлиги аниқланди.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш травматизми билан боғлиқ нохуш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, ушбу ҳолатларни вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ аҳоли орасида мунтазам тарзда кенг тушунтириш ишларини олиб боришда меҳнатни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда

тиббиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар.

1. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа //Учебное пособие. Ташкент, 2023.

2. Искандаров А.И., Қўлдошев Д.Р. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, "MERIYUS" нашрети, 2009.

3. Меҳнатни муҳофа қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича Халқаро ISO 1999-1975 стандарт маълумотлари (www.iso.org/iso/ru). "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий

электрон журнали. №5, сентябрь-октябрь, 2015 йил www.iqtisodiyot.uz.

4. Lochinov F.N., Baxriyev I.I. Biologik tabiatga ega bo'lgan ashyoviy dalillarning sud-tibbiy ekspertizasi //Moinografiya, 2022, 105 b.

5. Раҳимова Х., Аъзамов А., Турсунов Т. "Меҳнатни муҳофаза қилиш: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма". - Т.: Ўзбекистон. 2003.

6. Судебная медицина: национальное руководство /под ред. Ю.И.Пиголкина. - М.: ГЭОТАР - Медиа, 2018.

7. Фиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, "Global Books" нашриёти, 2018.

